

«ТАЪЛИМНИ МОДЕНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЎҚИТУВЧИЛИК  
КАСБИ ВА ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА  
ҚЎЙИЛАДИГАН УМУИЙ ТАЛАБЛАР»

*Ўроқова Наргиза Нуруллаевна*

*Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри  
Сирғали тиббиёт коллежи катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада педагогик таълимни модернизациялаш, мамалкатимизда таълим тизиминини модернизациялаш шароитида педагогик таълимнинг самарали ва динамик ишлаш механизмларини яратиш ҳақидаги маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Педагогик таълим, модернизация, касбий фаолият, компетентлик, компетенция, ахборот-коммуникация технологиялари.

**Аннотация:** В статье представлена информация о модернизации педагогического образования, создании эффективных и динамичных механизмов педагогического образования в контексте модернизации системы образования в нашей стране.

**Ключевые слова:** педагогическое образование, модернизация, профессиональная деятельность, компетентность, компетентность, информационные и коммуникационные технологии.

**Annotation:** This article provides information on the modernization of pedagogical education, the creation of effective and dynamic mechanisms of pedagogical education in the context of modernization of the education system in our country.

**Keywords:** Pedagogical education, modernization, professional activity, competence, competence, information and communication technologies.

Ҳозирги вақтда ватанимиз таълим тизими олдида қатор муҳим вазифалар турибди. Энг асосий вазифалардан бири педагогик таълимни модернизациялаш бўлиб, у замонавий давлат, жамият эҳтиёжларига мувофиқ минтақавий меҳнат бозорини кадрлар билан таъминлаш, таълим муассасаларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, жорий этиладиган хизматлар сифатини узлуксиз яхшилаш ва провард натижада, мамлакат интеллектуал ресурсларини такомиллаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик ва устувор йўналишларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилади, шунинг учун бу жараёнда меҳнат бозори ва таълим хизматларининг ҳар бир субъекти (буюртмачи, ташкилотчи, ижрочи,

истеъмолчи) иштирокига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичи педагогик таълимни модернизациялашга концептуал ёндашувларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда педагогик таълимни модернизациялаш соҳасидаги давлат сиёсати мавжуд парадигманинг ўзгаришига асосланган ўтиш даврини бошдан кечирмоқда; педагогик таълимнинг асосий вазифаси педагогик кадрлар ва ижтимоий алоқаларнинг жадал динамикаси, умуман давлатнинг ва хусусан минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши учун жамоатчилик билан алоқаларни шакллантиришдир. Қонун ҳужжатлари ва педагогик таълими стандартларидаги доимий туб ўзгаришлар, асосан, малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг ишчи ҳолатидан бир оз олдинда бўлиб, бу бўлажак ўқитувчиларнинг амалий тайёргарлигини замон талаблари даражасида такомиллаштириш борасида давлат таълим сиёсатини амалга оширишни мураккаблаштиради.

Педагогик таълимни модернизациядан мақсад – мамалкатимизда таълим тизиминини модернизациялаш шароитида педагогик таълимнинг самарали ва динамик ишлаш механизмини яратишдир.

Педагогик таълимни модернизациялаш натижаси жамият томонидан педагог кадрларга қўйилган талабларига жавоб берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг янгиланган тизимини шакллантиришдан иборат бўлиши керак.

Республикамиз минтақаларида ривожланган педагогик таълим тизими бой анъаналарга, кўп йиллик интенсив амалиётда тўпланган катта тажрибага эга. Шу билан бирга, моддий-техник базанинг маънавий эскириши, бошқарув корпуси ва ўқитувчилар таркибидаги ўзгаришларга қаршилиқлар мавжуд. Педагогик таълимни модернизациялаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун бошқарув ва малакали ўқитувчилар таркибини шакллантириш айниқса муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Ўқитувчилик касбининг шаклланиши ва ривожланиши кишилиқ жамият техника, технология, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқаларнинг тараққиёти тарихи билан узвий боғлиқ. Ўқитувчига хос бўлган масъулиятли вазифалар ундан ўз касбининг устаси бўлишни, касб-корини мутазам ривожлантиришни, таълим олувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг янги-янги методларини ўзлаштиришни, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди, амалий кўникма ва малакаларини ҳар томонлама такомиллаштириш технологияларини замон талаблари даражасида такомиллаштириб боришни олишни талаб қилади.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи қатор ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу хусусиятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ақлий меҳнат аҳамиятининг ортиши, глобал миқёсдаги ахборот ресурсларидан фойдаланишга йўналганлик, ҳамкорликда илмий-тадқиқот

ишларини бажариш ҳамда ягона лойиҳа устида ишлаш учун мутахассилар ва ижодий жамоалар ўртасида тез-тез мулоқот ўрнатиш, ахборот алмашиш эҳтиёжи; фан, техника, таълимни қамраб олувчи жараёнларнинг интегратив характери. Ҳозирги замон социумининг бундай ўзига хос хусусиятлари жамиятни ахборотлаштириш жараёни билан узвий боғлиқ. Ахборотлаштиришнинг моҳияти ҳар бир мутахассиснинг ахборотлардан фойдалана олиш кўникма ва малакасини узлуксиз оширишдан иборат.

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва эркин меҳнат бозори унинг барча талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўлажак ўқитувчилардан мукамал педагогик маҳоратга эга бўлишни талаб қилмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз ва ривожланган хорижий давлатларда фаолият юритаётган педагог-олимлар бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда касбий ривожланиш масаласига алоҳида муаммо сифатида жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан узвий боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, маданий, таълим соҳаларидаги ўзгаришлар натижасида ҳозирги замон жамиятида инсоннинг касби, касбий маҳорати ва касбий фаолияти, компетентлиги, компетенцияларни тушунчалари мазмунан янгилашиб бормоқда. Бугунги кунда касбий амалиётнинг реал ҳолати қандай ва мутахассислар маълум бир касбий фаолиятни амалга оширишларида қандай қоидаларга амал қилишлари кераклиги ҳақида чуқур мулоҳазар юртиш вақти келди.

Кўпгина замонавий илмий-педагогик тадқиқотлар, хусусан, Н.Н.Азизходжаева, Б.Р.Адизов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, У.Н.Нишоналиев, Ў.Қ.Толипов, Д.Шарипова, Ш.С.Шарипов, Ш.Шодмонова, Н.Ғ.Эгамбердиеванинг илмий ишларида ўқитувчилик касбининг ривожланиши, уларнинг амалий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг фалсафий, тарихий, психологик-педагогик омиллари тавсифланган. Педагогик фаолият тушунчаси мазмунининг ўзгариши меҳнат тузилмаси, компонентларининг мураккаблашиши билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий тузилиши, ижтимоий табақаланиши ва ижтимоий мобиллиги ҳақидаги ғояларнинг ривожлантириш билан ҳам узвий боғлиқ. Педагогик касби (Ш.Қ.Мардонов, Н.А.Муслимов, А.А.Холиқов, Н.Ғ.Эгамбердиева, Э.А. Климов, В.Г. Онушкин, В.Д.Брагин ва бошқалар) ўқитувчининг ўз кучини таълим-тарбия ишларига йўналтириш соҳаси, ўзининг шахсини намоён этиш фаолияти ва соҳаси, тарихий ривожланувчи тизим, ижодий шаклланган реаллик сифатида тавсифланади. Ихтисослаштирилган фаолият тури сифатида талқин этиладиган ўқитувчилик касби ҳақидаги тасаввурлар педагогика соҳасида анча ўрганлиган соҳалардан бўлиб, унинг мазмуни, технологиялари, педагогик таълим даражалари доирасида

чуқур таҳлил этилган.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида ўқитувчилик касби ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш жоизки, у тарихий ва ижтимоий-иқтисодий аспектларда ривожланаётган яхлит ҳодисадир. У педагогик меҳнат соҳаси(тармоқлари)да, касбий педагогик фаолият турларида, касб институти ёки педагогларнинг касбий ҳамжамиятида юз берган ўзгаришлар билан характерланади.

Э.В. Балакиреванинг педагогик касбшунослик (профессиология)га бағишланган ишларида педагогик касбнинг тузилиши, яъни айнан унинг умумий хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, меҳнат шароитлари, педагогик фаолиятнинг хусусияти ва мазмуни, педагогик маҳорат, ўқитувчининг таълим даражаси ва касбий малакасига қўйиладиган талаблар, касбнинг психофизиологик ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар акс этган[1].

Бизнингча, педагогиклик касби - бу катта авлодларнинг ёш авлодларга инсоният томонидан тўпланган маданият ва тажрибаларни ўзатишга, улар шахсининг ривожланиши учун шарт-шароитларни яратишга ва уларни жамиятда муайян ижтимоий вазифаларни бажаришларига тайёрлашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида туридир. Касбий педагогик фаолият тузилиши ҳақида сўз юритиладиган бўлса, унинг асосий ўзига хос хусусияти меҳнат объекти ва воситаларининг ўзига хослиги билан белганишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Педагогик фаолият учта асосий компонентдан ташкил топади:

- амалий (таълим олувчилар фаолияти шакллари ишлаб чиқиш, юзага келган педагогик масалаларни ҳал этиш);
- ташкилий ( жамоани ташкил этиш ва ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш);
- коммуникатив (педагогининг таълим олувчилар ва ҳамкасблари, раҳбарият, ота-оналар билан ўзаро муносабат ўрнатиши ва мунтазам алоқада бўлиши)

Ўқитувчи касбий тайёргарлигининг педагогик компетентлик даражасига мос келиши масаласи мураккаб ҳисобланади. Педагогик компетентлик, педагогиклик касбининг ривожланишига ўз даражаси ва хусусиятига кўра, ижтимоий-маданий муҳит, ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатади. Шахснинг шахсий-психологик сифатлари, қизиқиш-майли, темпераменти, асаб тизими, руҳий фаолияти ва феъл-атвори ва бошқалар ички омиллар сирасига киради. Педагогик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, мазмунининг касб хусусиятига тўғри келиши, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширишнинг сифат ва миқдор таркиби, таълим жараёни шакли, моддий-техник база, ахборт-коммуникация технологиялари ва педагогик дастурий воситаларнинг амалга ошириладиган

ўқув вазифалари, замон талабларига мос бўлиши ташқи омиллар ҳисобланади.

Сўнги ўн йилликларда мамлакатимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди, бу педагогик кадрлар тайёрлаш муаммосига, ўқитувчилик касбининг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида қатор қарор ва фармонлар, ҳукумат ҳужжатлари (2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонлар, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар, психология ва педагогика таълим йўналиши ДТС) қабул қилинди.

Ушбу қарор ва фармонлар, ҳукумат ҳужжатларида касбий ва педагогик фаолиятга (вазифалар, компетенциялар) ва ўқитувчининг шахсига, ўқитувчилик касбига қўйиладиган талабларни ифодаланган. Ана шунга боғлиқ ҳолда, ўқитувчининг кенгайтирилган таълим муҳити субъектлари билан ижтимоий ўзаро алоқаларни ўрнатишга қаратилган функциялари айниқса катта аҳамият касб этади. Касбий-педагогик фаолиятнинг янги функцияларини муваффақиятли амалга ошириш учун бўлғуси ўқитувчилар ижтимоий аҳамиятга эга шахсий сифатларини ривожлантиришлари ҳамда ижтимоий ўзаро муносабатга кириша олиш бўйича муайян компетенциялани эгаллашлари зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э., Қуронов М., Аҳлидинов Р., Мажидов И. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Тошкент: Академия, 2002. – 187 б.
2. 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор.
3. 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор.